

Косимова Сайёра Каримжон қизи: *“Бизнес қийматини баҳолашнинг хориж тажрибаси таҳлили”*. (5A231501 – “Баҳолаш иши ва риэлторлик” (мулк объектлари бўйича)).

Илмий раҳбар: и.ф.н., доцент Косимова Н.

Тадқиқот мақсади: Бизнес қийматини баҳолашнинг хориж тажрибаси таҳлили асосида илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- бизнес субъектларини баҳолашнинг назарий асосларини тадқиқ қилиш ва уларнинг амалий ақамиятига баҳо бериш;

- бизнесни баҳолашнинг амалиётини такомиллаштириш бўйича хориж тажрибасини таҳлил қилиш ва улардан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар шакллантириш;

- Ўзбекистон Республикасида бизнес қийматини баҳолаш амалиётининг замонавий ҳолатини баҳолаш ва мавжуд тенденцияларни аниқлаш;

- республикада бизнес қийматини баҳолашнинг амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни аниқлаш;

- мамлакатимизда бизнес қийматини баҳолаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.